


## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида”ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарорининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йил тўртинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида 2023 йил тўртинчи чорагида кассация шикоятлари (протестлари) асосида **545 та** иш кўрилган бўлиб, шундан 415 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 116 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 1 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 2 та иш бўйича кассация шикоятлари кўрмасдан қолдирилган, 11 та иш юзасидан кассация шикоятлари бўйича иш юритиш тугатилган.



Суд ҳужжатлари бекор қилинган 116 та ишдан **62** таси бўйича қўйи судларнинг суд ҳужжатлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган, 1 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган, 1 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, ариза кўрмасдан қолдирилган, **43** таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун қўйи судларга (шундан, 5 таси биринчи инстанцияга, **38** таси апелляция инстанциясига) юборилган ҳамда 9 та иш бўйича апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.



Судлов ҳайъати томонидан кассация инстанциясида кўрилган ишларнинг 24 таси (5 таси (бекор қилинган ишлар қавс ичида акс эттирилган) Қорақалпоғистон Республикасига, 26 таси (бекор қилинган ишлар мавжуд эмас) Андижон, 32 таси (11 та) Бухоро, 21 таси (16 та) Жиззах, 33 таси (9 та) Қашқадарё, 3 таси (1 та) Навоий, 17 таси (бекор қилинган ишлар мавжуд эмас) Наманган, 53 таси (9 та) Самарқанд, 21 таси (3 та) Сирдарё, 32 таси (12 та) Сурхондарё, 59 таси (14 та) Тошкент, 35 таси (8 та) Фарғона, 34 таси (1 та) Хоразм вилоятлари, 150 таси (27 та) Тошкент шаҳар судига тўғри келган.

Таҳлиллардан кўринишича, 2023 йил тўртинчи чорагида кассация инстанциясида кўрилган ишларнинг асосий қисмини маҳаллий ҳокимликларга нисбатан (кўрилган ишларнинг 212 таси ёки 39 фоизи) кўрилган ишлар ташкил этиб, бу асосан ер муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек, солиқ идоралари жавобгарлигидаги ишлар (кўрилган ишларнинг 205 таси ёки 38 фоизи)ни ташкил этган.

Мазкур чоракда бекор қилинган солиққа оид 66 та низонинг 26 таси ёки 40 фоизи процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши сабабли, 40 таси ёки 60 фоизи моддий ҳуқуқ нормаларининг нотўғри қўлланилиши сабабли кассация инстанциясида бекор қилинган.

Суд амалиёти обзори тайёрлаш натижаларидан кўринишича, судлар томонидан айрим ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаслиги, иш ҳолатлари тўлиқ аниқланмаслиги, иш ҳужжатлари тўлиқ ўрганилмаслиги, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг нотўғри қўлланилиши ёки бузилиши суд қарорлари бекор қилинишига сабаб бўлган.

Жумладан, **Бухоро** (асосан солиққа оид ишлар, моддий ҳуқуқ нормасининг бузилиши), **Жиззах** (асосан солиққа оид ишлар, процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши) ва **Сурхондарё** (ер билан боғлиқ низолар

ва солиққа оид текширувлар билан боғлиқ ишлар, моддий ҳуқуқ нормасининг бузилиши) вилоятлари маъмурий судларида бошқа судларга нисбатан процессуал қонунчилик талабларига риоя қилмаслик, моддий қонунчилик талабларини нотўғри қўллаш ҳолатлари кўпроқ учрамоқда.

Натижада кассация инстанциясида кўрилган мазкур судларнинг деярли ҳар учтадан битта қарори бекор қилинган.

Бундай ҳолат қолган вилоятлар судлари фаолиятида ҳам кузатилади.

Муайян ишлар бўйича суд қарорлари бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига асос бўлган ҳолатлар қуйидаги ишлар мисолида келтирилади:

### **Процессуал ҳуқуқ нормасига риоя этилиши**

**МСИЮтК 244-моддаси учинчи қисми 7-бандига кўра, суд томонидан арз қилинган талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, апелляция инстанцияси судининг қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.**

Аризачи Бухоро вилоят адлия бошқармаси “N” МЧЖ манфаатида ариза билан судга мурожаат қилиб, унда:

1) Пешку туман солиқ инспекцияси мансабдор шахсларининг “N” МЧЖда сайёр солиқ текшируви ўтказишда ҳамда ушбу текширув натижалари бўйича молиявий жарима ҳисоблашда ифодаланган ҳаракатларини ғайриқонуний деб топиш;

2) Пешку туман солиқ инспекциясининг 2023 йил 16 февралдаги “N” МЧЖда сайёр солиқ текширувини ўтказиш ҳақидаги буйруғини ҳақиқий эмас деб топиш;

3) Пешку туман солиқ инспекциясининг 2023 йил 17 мартдаги “сайёр солиқ текширувида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар материалларини кўриб чиқиш натижалари ҳақида”ги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Бухоро вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 13 июлдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Бухоро туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 3 майдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган ва солиқ органининг қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Суд ҳужжатларидан кўринишича, биринчи инстанция суди фақат битта талаб, яъни солиқ органининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш талабини муҳокама қилиб, у бўйича қарор қабул қилинган. Аризадаги қолган талаблар эса суд томонидан кўриб чиқилмаган ва улар бўйича қарор қабул қилинмаган.

Апелляция инстанцияси томонидан МСИЮтК 158-моддасининг 6-қисмидаги қоида бузилишига эътибор қаратилмасдан, ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган. Натижада эса аризачининг айрим талаблари бўйича қарор қабул қилинмасдан қолган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси судининг 2023 йил 11 декабрдаги қарори билан биринчи ва апелляция инстанциясининг қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

*5-2001-2305/338-сонли иш*

### **Ер муносабатларига оид қонунчилик нормаларини қўллаш амалиёти**

**Шикоят қилинаётган қарор аризачининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаган ҳолда ариза қаноатлантирилганлиги, суд қарорини бекор қилишга сабаб бўлади.**

Аризачи “З” Тошкент туман ҳокимининг 2021 йил 18 майдаги Қизғалдоқ худуди, “Б” МФЙда жойлашган қишлоқ ер майдонини “С” МЧЖга танлаш ва ажратиш тўғрисида”ги 624-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Тошкент вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 14 февралдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Нурафшон туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 2 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, ариза қаноатлантирилган.

Биринчи инстанция суди “С” МЧЖга ер ажратилишида “Ёшлар келажагимиз” давлат дастури талабларига зид равишда давлат хусусий шерикчилик тўғрисида шартнома тузилмаган, жамиятга ажратилган ер майдони йўл муҳофаза минтақасида жойлашган, лойиҳадаги бинонинг бурчак қисми йўл чегарасига кириб кетган деб ҳисоблаб, аризани қаноатлантирган ва апелляция инстанцияси ҳам суд қарори билан келишган.

Аризачи “З” аризасига асос сифатида икки қаватли объект қурилиши унинг уйига қуёш нури тушишига тўсқинлик қилиши, ер ажратишдан олдин унинг розилиги олинмаганлиги сабабли низолашилган қарор унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузишини кўрсатган.

Ваҳоланки, ҳокимнинг низолашилган қарори билан ажратилган ер майдони аризачи “З”га тегишли ер майдонига дахл қилмаслиги, “С” МЧЖга ер майдони ажратишда унинг ер майдони чегарасидан оралиқ масофа қолдирилганлиги, ер майдони ажратилишидан аввал аризачининг уйига қуёш нури тушиши меъёрлари инobatга олинган.

Низолашилаётган қарор аризачининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаган, унинг ҳуқуқлари, эркинликларини амалга оширишга ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга, у ёки бу соҳадаги фаолиятини амалга ошириши учун тўсиқлар вужудга келтирмаган, унинг зиммасига қонунга хилоф равишда бирор-бир мажбурият юкламаган.

Қуйи инстанция судлари томонидан ушбу ҳолатларга эътибор қаратилмасдан, аризани қаноатлантириш ҳақида қарор қабул қилинган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси судининг 2023 йил 20 октябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

*5-1101-2206/2222-сонли иш*

**2021 йил 1 августдан бошлаб туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш билан боғлиқ ваколатлари тугатилган бўлиб, низони ҳал этишда ушбу ҳолат инобатга олинмаганлиги суд қарорининг бекор бўлишига сабаб бўлади.**

Сурхондарё вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 26 октябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Термиз туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 8 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи “S” фермер хўжалигининг Сариосиё туман ҳокимининг 2022 йил 27 майдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантиришдан рад этилган.

Иш ҳужжатларига кўра, Сариосиё туман ҳокимининг 2020 йил 18 майдаги қарори билан аризачига жами 31,2 гектар ер майдони ижарага ажратиб берилган.

Фермер хўжалиги ва Сариосиё туман ҳокимлиги ўрталарида 26,2 гектар ижара шартномаси тузилиб, ерга бўлган ҳуқуқ 2022 йил 3 февралда кадастр агентлиги давлат кадастрлар палатаси Сариосиё туман филиалида 328-тартиб рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Сариосиё туман ҳокимининг 2022 йил 27 майдаги қарори билан туман ҳокимининг 2020 йил 18 майдаги қарори бекор қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли Фармонининг 4-бандига кўра, туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш ваколатлари, улар юзасидан қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи 2021 йил 1 августдан бекор қилинган.

Ҳокимнинг низолашилган қарори ушбу Фармон талабларига зид равишда ваколати бўлмаган ҳолда қабул қилинган бўлса-да, судлар томонидан бу ҳолат инобатга олинмаган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси судининг 2023 йил 13 декабрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

*5-1901-2201/592-сонли иш*

**Солиқ органларининг қарорлари юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти**

**Қонуннинг ёки бошқа қонунчилик ҳужжатининг нотўғри талқин қилинганлиги суд қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Қашқадарё вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 12 октябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Қарши туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 22 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи “Т” МЧЖнинг жавобгар Қашқадарё вилояти солиқ бошқармасининг камерал солиқ текширувида аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар материалларини кўриб чиқиш тўғрисидаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ва ноқонуний ҳисобланган қарздорликни ҳисобдан чиқариш мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Аниқланишича, камерал солиқ текшируви давомида “Т” МЧЖ ва хорижий компания ўртасида 2020 йил 9 ноябрда тузилган контракт бўйича хорижий компания “Т” МЧЖга хизмат кўрсатганлиги, ушбу кўрсатилган хизмат учун хорижий валютада норезидентга тўлов амалга оширилганлиги аниқланган.

Текширув натижаси бўйича солиқ бошқармасининг 2021 йил 26 октябрдаги қарори билан жамиятга қўшилган қиймат солиғи ва молиявий жарима қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5388-сонли Фармонининг 6-бандида, 2021 йил 1 январга қадар кўчатхоналар ва иссиқхоналарда уруғ, кўчат ва пайвандтаг етиштирувчи ва уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга етказиб берувчи хўжалик юритувчи субъектлар барча турдаги солиқ ва йиғимлар тўлашдан озод этилганлиги, ушбу банднинг 2-кичик бандида, иловадаги бутловчи қисмлари иловага мувофиқ божхона тўловларидан озод этилиши кўрсатилганлигини асос сифатида олган.

Ушбу Фармонда ишлар, хизматлар кўрсатганлиги учун имтиёз белгиланмаган. Солиқ қарзи ва жарима ҳисобланишига асос бўлган контракт эса хизматлар кўрсатиш юзасидан тузилган.

Бундан ташқари, биринчи инстанция суди томонидан қўшимча солиқнинг тўғри ҳисобланиши юзасидан экспертиза тайинланган бўлиб, Давлат суд экспертизасининг хулосасида “Т” МЧЖга қўшилган қиймат солиғи ҳисобланиши асосли эканлиги юзасидан хулоса берилган.

Солиқ кодекси 237-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ва (ёки) товарларни (хизматларни) реализация қилувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарларни (хизматларни) реализация қилувчи чет эл юридик шахслари, агар товарларни (хизматларни) реализация қилиш жойи деб Ўзбекистон Республикаси эътироф этилса, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтувчи шахслар қўшилган қиймат солиғини тўловчилар деб эътироф этилади.

Қуйи судлар ушбу ҳолатларга эътибор бермасдан, жамиятга нисбатан 2020 йил 1 ноябрдан 2021 йил 1 февралга қадар даври учун қўшилган қиймат солиқ ва жарима ҳисоблаши мумкин эмаслиги ҳақида нотўғри хулосага келганлар.

Шунга кўра, кассация инстанцияси судининг 2023 йил 27 декабрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантиришдан рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

*5-1801-2202/427-сонли иш*

**Текшируви ўтказилган шахснинг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёнида шахсан ва (ёки) ўз вакили орқали иштирок этиш имконияти таъминланмаганлиги солиқ органининг қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Бухоро вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 26 июндаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Бухоро туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 26 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи “D” МЧЖнинг жавобгар Бухоро вилоят солиқ бошқармасининг 2022 йил 21 ноябрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантиришдан рад этилган.

Аниқланишича, камерал солиқ текшируви натижаси бўйича солиқ бошқармасининг 2022 йил 21 ноябрдаги қарори билан жамиятга нисбатан қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи кўшимча ҳисобланган.

Қуйи судлар солиқ текшируви натижалари бўйича ҳисобланган солиқ суммалари асосли ҳисобланган, солиқ органи қарорини ҳақиқий эмас деб топиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида хулосага келганлар.

Солиқ бошқармаси томонидан 2022 йил 31 октябрдаги хат орқали аризачига 2022 йил 11 ноябрда солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилиши вақти ва жойи тўғрисида хабарнома юборилган.

Текширув материаллари эса 2022 йил 14 ноябрда кўриб чиқилган, лекин бу ҳақда “D” МЧЖ тегишли тартибда хабардор этилмаган.

Солиқ кодекси 157-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш тартиб-таомилининг муҳим шартларини бузиш юқори турувчи солиқ органи ёки суд томонидан солиқ органининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш ва (ёки) солиқ суммаларини кўшиб ҳисоблаш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш учун асос бўлади. Бундай муҳим шартлар жумласига ўзига нисбатан солиқ текшируви ўтказилган шахснинг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёнида шахсан ва (ёки) ўз вакили орқали иштирок этиш имкониятини таъминлаш ҳамда солиқ тўловчининг тушунтиришлар бериш имконини таъминлаш киради.

Жавобгар томонидан текшириш ўтказиш процессуал тартиб-таомилларга риоя этилмаган, жамиятни солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш имконияти таъминланмаган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси судининг 2023 йил 14 ноябрдаги қарор билан суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор билан ариза қаноатлантирилиб, солиқ бошқармаси зиммасига камерал солиқ текшируви материалларини қайта кўриб чиқиш мажбурияти юклатилган.

*5-2001-2201/969-сонли иш*

**Қонуннинг нотўғри талқин қилинганлиги суд қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 23 ноябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Нукус туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 14 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи “Е” МЧЖнинг жавобгар Қорақалпоғистон Республикаси солиқ бошқармасининг 2023 йил 20 июндаги “Сайёр солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Аниқланишича, сайёр солиқ текшируви давомида “Е” МЧЖнинг “А” МЧЖ билан омборхона ижараси бўйича тузилган шартномасининг муддати 2022 йил 31 декабрь куни тугаганлиги, электрон ҳисоб варақ фактуралари билан қолдиқ товарлар солиштирилганида товар захиралари реализация қилиш жойида йўқлиги ва кирим қилинмаган товарлар савдоси билан шуғулланилганлиги ҳолатлари аниқланган.

Текширув натижаси бўйича солиқ бошқармасининг 2023 йил 20 июндаги қарори билан жамиятга қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи ва молиявий жарима қўлланилган.

Қуйи судлар аризани солиқ органи томонидан текшириш натижасида тузилган далолатнома нусхаси корхона вакилига берилмаганлиги, далолатнома шакли Низом билан тасдиқланган шаклга тўғри келмаслиги, текширишда жамиятнинг аввалги раҳбари қатнашганлиги асосида аризани қаноатлантириш ҳақида хулосага келганлар.

Ваҳоланки, текшириш жараёнида ва далолатнома тузилишида жамият номидан унинг раҳбари сифатида “С” иштирок этган ва унга далолатнома нусхаси тақдим этилган. Текширишдан олдин “С” томонидан берилган тилхатда у ўзини корхона раҳбари эканлигини маълум қилган.

Жамият томонидан корхонага тегишли электрон рақамли имзо орқали 2023 йил 17 июлга қадар тақдим этилган барча солиқ ҳисоботларида корхона раҳбари сифатида “С” кўрсатилган.

Далолатномада эса қонунчиликда белгиланган барча ҳолатлар акс эттирилган.

Жавобгар томонидан текшириш ўтказиш ва ҳужжатларни расмийлаштиришда белгиланган тартиб бузилмаган, жамият текшириш жараёнидан хабардор бўлган ва ўз муносабатини билдириш имконига эга бўлган.

Қуйи судлар солиқ органи қарорини унинг мазмунига таъсир қилмайдиган расмий асосларга бекор қилганликлари сабабли кассация инстанцияси судининг 2023 йил 28 декабрдаги қарор билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

*5-2301-2303/563-сонли иш*

**Айни бир шахс, айна бир солиқ қонунбузарлиги учун фақат бир марта молиявий жазога тортилади, ушбу ҳолатга баҳо бермаслик суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.**

Қарши туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 12 майдаги ҳал қилув қарори билан “А” МЧЖнинг жавобгар Қашқадарё вилоят солиқ бошқармасига нисбатан қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Қашқадарё вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 4 августдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани қаноатлантиришдан рад қилиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, солиқ текширувида харидор томонидан жамиятдан маҳсулот харид қилинган ва харид давомида сотувчи маҳсулот учун тўланган ҳақни олиб, онлайн назорат касса техникасидан харид чеки берилмагани, кассада мавжуд нақд пул қолдиғи санокдан ўтказилганда кассадаги 51 000 сўм назорат касса хотирасига киритилмаганлиги, жамият сотувчиси томонидан сотувда бўлган алкоголь маҳсулотини 2D сканер аппаратидан ўтказмасдан сотганлиги аниқланган.

Сайёр солиқ текшируви далолатномаси холислар иштирокида расмийлаштирилган бўлиб, жамият раҳбари уни имзолашдан бош тортган.

Солиқ органи томонидан 2023 йил 7 мартда текширув материаллари корхона вакили иштирокисиз кўриб чиқилган, 2023 йил 25 мартда эса солиқ қонунчилигига оид қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги қарор қабул қилиниб, унга кўра, Солиқ кодекси 158-моддасининг биринчи қисмига асосан, сайёр солиқ текшируви далолатномасини кўриб чиқиш жараёнида товарларни реализация қилишдан олинган тушум суммасини ҳисобга олиш регистрларида акс эттирмаганлик суммасининг 20 фоизи (51 000x20%x2), яъни 10 200 сўм, 221-моддасининг биринчи қисми биринчи хатбошисига асосан назорат-касса машинасидан чек уриб бермаганлик учун 10 000 000 сўм жарима қўлланган.

Юқорида кўрсатилган баённома асосида солиқ органининг 2023 йил 3 апрелдаги солиқ қонунчилигига оид қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисидаги бошқа бир *(судда низолашилаётган)* қарори билан такроран назорат-касса машинасидан чек уриб берилмаганлиги учун жамиятга нисбатан яна 10 000 000 сўм молиявий жарима қўлланилган.

Апелляция инстанцияси солиқ органи томонидан айна бир тадбиркорга, айна бир вақтдаги ҳуқуқбузарлиги учун икки марта молиявий жарима қўлланилганлигига эътибор қаратилмаган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси судининг 2023 йил 20 октябрдаги қарори билан апелляция инстанцияси қарорининг молиявий жарима қўллаш қисмида бекор қилиниб, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарори шу қисмида ўз кучида қолдирилган.

*5-1801-2305/386-сонли иш*

### **Бошқа моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти**

**Устидан шикоят қилинаётган қарор ёки ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ ҳамда аризачининг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузماётган бўлса суд аризани қаноатлантиришдан рад этади, бу масалага оид қонун талабларини нотўғри қўлланганлиги, иш учун аҳамиятга эга ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги суд қарорининг бекор қилинишига сабаб бўлади.**

Фарғона туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 23 мартдаги ҳал қилув қарори билан “СН” МЧЖнинг Давлат хизматлари маркази Фарғона туман бўлимига нисбатан жамият Низомини жамият таъсисчиларининг умумий йиғилиш баёнлари асосида қайта рўйхатдан ўтказилишини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаблари қаноатлантирилган.

Фарғона вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 14 сентябрдаги қарори билан ишни кўришда тарафларнинг иштироки таъминланмаганлиги асосида ҳал қилув қарори бекор қилинган ва иш суд мажлисида тарафларнинг иштироки таъминланган ҳолда янги қарор билан ариза қаноатлантирилган.

Аниқланишича, “СН” МЧЖ таъсисчиларининг 2020 йил 5 мартдаги умумий йиғилиш қарорига кўра, жамият таъсисчиси “М” 96 фоиз улушининг 45 фоизини (хотини) “Э”нинг фойдасига, 2022 йил 1 майдаги умумий йиғилиш қарорига кўра, 51 фоиз улушини (қизи) “М”нинг фойдасига воз кечган.

Мазкур йиғилиш баёнлари асосида Давлат хизматлари маркази Фарғона туман бўлими томонидан “СН” МЧЖнинг Низоми қайта рўйхатдан ўтказилган.

Йиғилиш баёнларига жамият иштирокчиси “Э” номидан “М” имзо қўйган бўлиб, бу экспертиза хулосаси билан тасдиқланган.

Бироқ, судлар томонидан иш ҳолатлари тўлиқ аниқланмаган, таъсисчиларнинг умумий йиғилиш қарорлари жамиятнинг эмас, балки унинг иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир қилиши мумкинлиги, улар умумий йиғилиш қарори юзасидан низолашишга ҳақли эканликларига эътибор қаратилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонун 41-моддасида жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, жамиятнинг устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарори овоз беришда иштирок этмаган ёки баҳсли қарорга қарши овоз берган жамият иштирокчисининг аризасига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Давлат хизматлар маркази Фарғона туман бўлимининг “СН” МЧЖ Низоми қайта рўйхатдан ўтказилиши билан жамиятнинг бевосита ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилмаган.

Жамият таъсисчиларининг 2020 йил 5 мартдаги ва 2022 йил 1 майдаги умумий йиғилиш баённомалари юзасидан эса низолашилмаган.

Қуйи судлар эса мазкур ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бермасдан, иш ҳолатларини ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиб чиқмасдан, аризани қаноатлантириш ҳақидаги нотўғри хулосага келганлар.

Шу сабабли, кассация инстанцияси судининг 2023 йил 6 декабрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор билан ариза талаблари қаноатлантиришдан рад этилган.

**Иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар аниқланмаганлиги, мавжуд далиллар инобатга олинмаганлиги ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Тошкент вилояти маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 1 августдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Нурафшон туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 2 июндаги ҳал қилув қарори билан аризачи “А”нинг жавобгар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Ўртачирчиқ туман бўлими қошидаги Пенсия – нафақалар тайинлаш ва тўлаш комиссиясининг 2023 йил 20 апрелдаги қарори қисман ҳақиқий эмас деб топилган ва аризининг комиссия қарорини 1974 йил 1 мартдан 1974 йил 31 декабрга қадар, 1984 йил 1 январдан 1987 йил 31 декабрга қадар, 1989 йил 1 январдан 1995 йил 31 декабрга қадар, 1996 йил 1 январдан 2005 йил 31 декабрга қадар “Л” колхозида ишлаган даврларига оид қисмини ҳақиқий эмас деб топиш талаби қаноатлантиришдан рад этилган.

Аниқланишича, “А”нинг номига 1974 йил 10 мартда расмийлаштирилган меҳнат дафтарчасида 1974 йил 1 мартдан 2005 йил 31 декабрга қадар “Л” колхозида ишлаганлиги тўғрисида ёзувлар қайд этилган, бироқ “Х” колхози муҳри билан тасдиқланган.

Ўртачирчиқ туман идоралараро хўжалик ҳисобидаги ҳужжатлар архивининг 2013 йил 20 мартдаги 22-Г-сонли маълумотномасида аризачи “А” “Л” колхозида 1975 йилдан 1995 йилгача ишлаган кунлари йилма-йил ва ойлик иш ҳақлари кўрсатилган.

“Л” колхозининг колхоз аъзоларининг 1992 йил 8 февралдаги умумий йиғилиш баённомасидан нусхада колхоз аъзолари, йиғилиш раиси, президиум аъзолари иштирок этиб, “Л” колхозининг номини ўзгартириш масаласи кўриб чиқилганлиги, “Л” колхозининг номи “Х” деб ўзгартирилганлиги кўрсатилган.

Қуйи судлар, “Л” колхозининг номи “Х” деб ўзгартирилганлиги, меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланиши, аризининг ишлаган даврларида суғурта бадаллари, иш ҳақи тўланганлиги, буйруқларни қайд қилиш китобларини сақлаш учун архив идораларига топшириш учун иш берувчи масъул бўлганлиги инобатга олинмаган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси судининг 2023 йил 10 ноябрдаги қарори билан суд қарорлари қисман бекор қилиниб, ариза талаблари тўлиқ қаноатлантирилган.

**Қарздор юридик шахс ихтиёрий тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисида хабарнома олинганда давлат ижрочиси ижро иши юритишни тамомлайди ва бу ҳақида қарорнинг кўчирма нусхасини ижро ҳужжатлари билан биргаликда тугатувчига юборади.**

Бухоро вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 22 августдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Бухоро туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 6 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи Бухоро вилоят солиқ бошқармасининг жавобгар Мажбурий ижро бюроси Ғиждувон туман бўлимининг 2022 йил 30 сентябрдаги “Сотилмаган автотранспорт воситасини ундирувчига топшириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги қарорини ҳақиқий эмас деб топиб, жавобгар зиммасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли қарори 1-иловасидаги Низомга мувофиқ тартибда ижро қилиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси рад этилган.

Аниқланишича, “А” МЧЖнинг 2022 йил 15 апрелдаги қарорига асосан жамият фаолиятини ихтиёрий тугатиш белгиланганлиги сабабли МИБ Ғиждувон туман бўлимининг 2022 йил 23 августдаги қарори билан солиқ органининг қарорига асосан қўзғатилган ижро иши тамомланиб, ижро ҳужжати тугатиш бошқарувчисига юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 августдаги 704-сонли Қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабига кўра, рўйхатдан ўтказган органнинг билдиришномасини олган санадан бошлаб иш юритишдаги ижро ҳужжатини давлат ижрочиси қонунда белгиланган тартибда ижро ишини тугаллаб, белгиланган тартибда тугатувчига юборади.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 62-моддасининг учинчи қисмига кўра, ижро иши юритиш тамомланган ижро ҳужжатлари давлат ижрочисининг ижро ишини тамомлаш тўғрисидаги қарорининг кўчирма нусхаси билан биргаликда ижро иши юритиш тамомланган кундан эътиборан уч иш куни ичида тугатувчига юборилади. Давлат ижрочиси ижро ҳужжати тугатувчига юборилганлиги ҳақида ундирувчига маълум қилади.

Ваҳоланки, жамият 2022 йил 15 апрелдаги қарорига асосан ихтиёрий тугатиш жараёнида бўлса-да, қайд этилган қонун талабларига зид равишда давлат ижрочиси иқтисодий суд қарорига асосан жамиятдан банк фойдасига 403 069 502 сўм ундирув ҳақида қўзғатилган ижро ишини тамомлаб, ижро этиш учун ижро ҳужжатини тугатувчига юбормаган.

Бундай ҳолатда ҳар иккала ижро ҳужжатлари бўйича қарздор битта юридик шахс бўлса-да, давлат ижрочиси уларни ижро қилишда икки хил ёндошиб, ўз ваколати доирасидан четга чиққан ҳолда қарор қабул қилганлиги судларнинг эътиборидан четда қолган.

Судлар қайд этилган қонун талабларига мувофиқ, аризачи ундирувчи сифатида манфаатдор шахс эканлиги, ижро ҳужжати белгиланган тартибда ижро этилишида ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари мавжудлигига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Шу сабабли, кассация инстанцияси судининг 2023 йил 6 декабрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

*5-2001-2304/487-сонли иш*

**Маъмурий ишлар бўйича  
судлов ҳайъати**